



Халқ депутатлари Иштихон туман Кенгашининг

Қ А Р О Р И

140704, Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Иштихон кўчаси, 4-уй, Тел/факс: 0(366) 629 11-54

2018 йил 29 сентябр

№ 135-45

2018 йил 9 оyi давомида туман ҳудудида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш, уни олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида туман Ички ишлар бўлими бошлиғининг ҳамда Ёшлар масалалари буйича ўринбосарининг ҳисоботлари тўғрисида

Кун тартибидаги масалалар юзасидан туман ИИБ бошлиғининг Ёшлар масалалари буйича ўринбосари подполковник У.А.Муртозаев кириш сўзи билан бошлаб, туманда жиноятчиликни олдини олиш, унга қарши курашиш ҳамда профилактика қилиш, фирибгарлик, ўлим билан боғлиқ йўл улов ҳодисалари жиноятларининг содир этилиши сабаблари, буларни олдини олишга ҳамда унга қарши курашиш борасидаги профилактик тадбирлар ўтказилиб келинмоқда, туманда фош этилмаган жиноятларнинг фош этиш борасидаги амалий тадбирлар мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлар билан ҳамкорликда мунтазам профилактик тадбирлар ўтказилмоқда. Шунингдек узок муддатга чиқиб кетганларни қайтариш, уларни муаммоларини ўрганиш, қайтиб келганларини ишга жойлаштириш масалаларида ҳамда узок муддатга чиқиб кетганларни ҳар хил ноқонуний оқимлар ва террористик ташкилотларга қўшилиб кетишини олдини олиш борасидаги тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

Шунингдек, 2018 йил 9 оyi давомида «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш» ва кенг камровли профилактик оғохлантирув, тезкор кидирув ва бошқа махсус тадбирлар ўтказилиши натижасида туман ҳудудида жами содир этилган жиноятлар 126 тани ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврида 216 тани ташкил этиб, ўтган йилги жиноятларга нисбатан 41,67%га камайган бўлсада жами содир этилган жиноятлардан 2 таси фош этилмасдан қолмоқда.

Содир этилган жиноятларни таҳлил этадиган бўлсак 13 та ўғирлик жиноятлари “Бўронхўжа”, “Намуна”, “Каттақанғли”, “Ўзбекистон”, “Намуна”, “Ғ.Ғулом”, “Тўпор”, “Бўстон”, “Иштихон” “Ж.Махмудов” “Шейхларкент”, “Дамариқ” маҳалла фуқаролар йиғинларида содир этилганлиги”, “Ўзбекистон”, “Намуна”, “Ғ.Ғулом” “Иштихон”, “Ж.Махмудов”, “Шейхларкент” маҳалла фуқаролар йиғинларида эса бошқа маҳалла фуқаролар йиғинларига нисбатан кўп жиноятлар содир этилганлиги кузатилган.

Шунингдек, содир этилган жиноятларнинг 10 таси аёллар томонидан содир этилганлиги ачинарли ҳолдир.

2018 йил 9 ой давомида кўрилган чоралар натижасида туман ҳудудида вояга етмаганлар ўртасида жиноят 2 тани ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврида 4 тани ташкил этиб, ўтган йилги жиноятларга нисбатан 50,00%га камайган

2018 йил 9 ой давомида туман ҳудудида жами содир этилган ўз жонига суиқасд қилиш ҳолатлари 22 тани ташкил этади. Шундан 10 нафар эркак, 12 нафар аёл, томонидан содир этилган.

Бундан ташқари туманда талончилик, номусга тегиш, товламачилик, фирибгарлик, ўғирлик, мол ўғирлиги, иқтисодиёт соҳасидаги ҳамда бошқа соҳадаги жиноят турлари камайганлиги билан бир қаторда гиёҳванд воситасини аниқлаш, ўлим билан боғлиқ йўл улов ходисаси, қонунга хилоф равишда ўк отар қурол сақлаш каби жиноятлар ошганлиги бу борадаги ишлар етарлича амалга оширилмаётганлигидан далолатдир.

Айни пайтда тумандаги бу каби нохуш ҳолатларнинг сабаблари маҳаллий депутатлик корпуси, хусусан туман Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси томонидан чуқур таҳлил этилиб, бу борадаги ҳолатни яхшилашга қаратилган таъсирчан қарорлар қабул қилинмаган.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2018 йил 12 мартдаги “Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармасининг вилоятда жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида”ги 249/49-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлиги тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли Фармонига мувофиқ халқ депутатлари Иштихон туман Кенгаши.

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2018 йил 12 мартдаги “Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармасининг вилоятда жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида”ги 249/49-сонли қарори ҳамда Туман ички ишлар бўлимида 2018 йил 9 ойи давомида амалга оширилган ишлар юзасидан туман Ички ишлар бўлими бошлиғининг Ёшлар масалалари бўйича ўринбосари У.Муртозаевнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ички ишлар бўлими бошлиғининг Ёшлар масалалари бўйича ўринбосари У.Муртозаевнинг эътиборини ҳудудда жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишида камчиликлар мавжудлигига қаратиш тавсия этилсин.

3. Туман ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасида секторлар кесимида олиб борилаётган тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида аниқ мақсадли чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлиги тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли Фармони билан:

- 2017 йил 1 октябрдан бошлаб халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашлари томонидан ҳар чоракда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ҳисоботлари эшитилиши;

- халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан ички ишлар бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари-ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиғининг ҳисоботлари эшитилиши;

- ички ишлар органлари мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари эшитилаётганда улар зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши юзасидан кўрилаётган чоралар ва ишлар натижаси танқидий муҳокома қилиниши, улар фаолиятининг самарадорлигига алоҳида баҳо берилиши, шунингдек эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилиниши тартиблари ўрнатилганлиги маҳаллий Кенгашларнинг асосий вазифасларидан бир этиб белгилансин.

5. Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, туман ҳокимининг ўринбосарлари, Ички ишлар бўлими бошлиғининг Ёшлар масалалари бўйича ўринбосари (У.Муртозаев), “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди туман бўлими ва маҳалла фуқаролар йиғинлари (З.Муродов), “Нуроний” жамғармаси туман бўлими (Б.Хидиров), Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши (У.Нурмухамедов)ларга қуйидагилар тавсия этилсин:

- Туман ҳудудида жиноят ва ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш, содир этилганларни фош этиш, қидирувда юрганларни ушлаш, жамоат ҳафсизлигини таъминлаш борасидаги олиб борилаётган чора тадбирлар самарадорлиги оширилсин;

- барча маҳаллаларда аҳоли ўртасида, айниқса ёш, меҳнатга лаёқатли, аммо доимий иш ўрнига эга бўлмаганлар ўртасида чет давлатларга ишга бориш талаблари, уларнинг ҳуқуқий асослари бўйича тушунтириш ишлари кучайтириш;

- аҳоли билан ўтказиладиган учрашувлар, суҳбатлар жараёнида аҳолини ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, муаммоларини ҳал этишда айрим шахсларнинг ваъдаларига учмаслик, катта миқдордаги мулк, пул маблағларини олди-бердисини қонуний йўллар билан амалга оширишлари ҳақида ўқтириб бориш;

- содир этилаётган жиноятларни чуқур таҳлил қилган ҳолда, ҳудудларга барча куч воситаларини йўналтириш ва ушбу жойларда кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда тунги постларни ташкил қилиш;

- жиноят ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, содир этилганларини фош этиш, фуқаролар осойишталигини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида бозорлар, тарихий обидалар, дўконлар, автошоҳбекатлар, истироҳат боғлари, серкатнов автомобиль йўллари

чоррахалари ва фуқаролар гавжум бўладиган бошқа турдаги объектларга видеокузатув воситаларини ўрнатилишини ташкил этиш;

- маҳаллаларда тунги вақтларда содир этилаётган жиноятларни олдини олиш бўйича “Тунги патруль гуруҳлари” фаолияти йўлга қўйилиб, патруль гуруҳлари иш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида, йўловчи ташиш билан шуғулланувчи автоуюшмалар томонидан етарлича автотранспорт воситалари ажратилиши;

- ички ишлар ходимларини халқ билан туну-кун бирга бўлиб уларни дарду ташвишларидан тўлиқ хабардор бўлиши, мавжуд муаммоларни бартараф этиши, ходимларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун улар билан доимий равишда малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўқув семинар машғулотларини ўтказиб, малакасини ошириш;

- туман ИИБ ХПБ ТП профилактика инспекторларининг ўз хизмат вазифасига садоқат ва виждонан ёндашиши, улар ичида ножўя ҳатти-харакатлар содир этишга моил бўлган ходимларни аниқлаш ва бир ой муддатда нопок ходимлардан тозалаш чораларини кўриш.

6. Ички ишлар бўлими бошлиғининг Ёшлар масалалари бўйича ўринбосари (У.Муртозаев) га:

туманда фирибгарлик, гиёҳвандлик, безорилик, номусга тегиш жиноятларининг сони ошганлиги, ўғрилик, баданга ўртача тан жароҳати етказиш, қотиллик, фоҳишахона сақлаш жиноятлари, шунингдек муқаддам судланган томонидан содир этилаётган жиноятлар камаймаётгани сабабларини чуқур таҳлил қилган ҳолда ҳамкор тузилмаларни жалб қилган ҳолда бу борадаги вазиятни яхшилаш юзасидан зарур чораларни кўриш;

жиноят содир этилган маҳаллалар қисқа муддатда фавқулодда ҳолат сифатида баҳолаб, маҳаллаларда ҳамкор тузилмалар билан биргаликда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган аниқ мақсадли, тизимли ишларни амалга ошириш;

Туман ҳудудида хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасида, барча маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил қилинган “Жамоатчилик назорат масканлари”да “Ёшлар иттифоқи” аъзолари ҳамма жамоатчилик вакилларининг навтачилик рўйхатларини шакиллантирган ҳолда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилансин ;

Мунтазам равишда доимий яшаш жойларидан узоқ муддатга чиқиб кетганларни аниқлаш, уларни уйларига қайтариш, қайтиб келганлари билан профилактик суҳбатлар ўтказилиб, уларнинг ҳар бирини мажбурий тиббий кўриқдан ўтказилиши, бу тўғрида юритилган йиғма жилдларни тартибга солиш ишлари алоҳида эътиборга олиниб, туман ИИБ раҳбар ва ходимларидан иборат ишчи гуруҳнинг аниқ вазифалари белгилаб берилиб, уларнинг кунлик хизмат фаолияти устидан қаттиқ назорат ўрнатилсин.

7. Туман Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси (О.Тошматов) халқ депутатлари туман Кенгаши депутатларини ва жамоатчилик вакилларини кенг жалб қилган ҳолда ички ишлар бўлимининг жиноятчиликка

қарши кураш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолияти устидан депутатлик назоратини янада кучайтириш тавсия этилсин.

8. Туман “Маҳалла” хайрия жамоат фондига (З.Муродов) туман Ички ишлар бўлими бошлиғининг Ёшлар масалалари бўйича ўринбосари (У.Муртозаев)га бошқа мутасадди органлар билан ҳамкорликда жиноят содир этилганда унинг сабабларини ҳудуддаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жамоатчилик иштирокида мунтазам ва фаол муҳокама этиб бориш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси (О.Тошматов) зиммасига юклансин.

**Халқ депутатлари
тумани Кенгаши раиси**



Ш.Негматов